



ХАВАР

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАТСИЯЛАР АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 18 may № 20 (453)

Sotuvda narxi erkin

Телекоммуникациялар соҳаси аҳолининг электраллоқасига бўлган эҳтиёжини қондирувчи инфратузилма элементидир. Телекоммуникациялар рақамли тармоғидан самаралироқ фойдаланиш учун эса бошқарув тизимига самарадорлик динамикаси ва ўзгарувчанлигини баҳолашнинг ривожланган тамойил ва услубларини жорий этиш талаб қилинади. Муваффақиятсиз танланган мезон эса қутилмаган натижалар ва йўқотишларга олиб келиши мумкин.

цияларнинг асосий даромад манбаи аналогли тармоқдан фойдаланган ҳолда телефон алоқаси хизмати кўрсатишдир. Телекоммуникацияларнинг аналогли тармоғида маҳаллий телефон алоқаси хизмати учун аънанавий усулда ўрнатганлик ва абонентлик учун ҳақ тўланади.

Телекоммуникациянинг рақамли тармоғидан фойдаланиш эса фақат бевосита телефон алоқаси хизмати билангина эмас, балки рақамли усқуналарда қўшимча хизматлар кўрсатиш,

балки истеъмолчилар билан иқтисодий асосланган, адолатли ҳисоб-китобни ўрнатиш учун амалга киритилади. Вақтбай ҳисоб-китоб маҳаллий телефон тармоқлари асбоб-усқуналарига ташхис қўйиш, хизмат кўрсатиш сифатининг назорат тармоғини яхшилаш имконини ҳам беради, яъни тармоққа ноқонуний уланишдан ҳимоя қилишни, станция иши бўйича ҳақиқий маълумотлар йиғишни таъминлайди. Айнан ҳақиқий маълумотларни билиш

РАҚАМЛАШТИРИЛГАН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

Тармоқни рақамлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун фақат капитал маблағлар ҳажминигина эмас, балки сизимларнинг ишлатилиши ва ишга туширилган муддатини ҳам баҳолаш зарур. Чунки ишлатилмаётган сизимлар – бу ҳаракатдан тўхтаган молиявий маблағлардир. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида дунё амалиётида фақатгина капитал сарфлар ва тармоқни ривожлантиришдаги фойдагина эмас, балки вақт омилларини, яъни қувватларни ўзлаштириш ва жорий этиш муддатларини ҳисобга олиш мезонлари ҳам қўлланилмоқда.

Аналогли тармоқларни рақамлига алмаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги ўлчамлардан фойдаланилади:

- а) ўрнатилган ва ишлатилаётган сизимлар;
 - б) абонентлар таркиби, сони ва уларнинг ўсиши;
 - в) хизматлар, даромадлар ва харажатлар;
 - г) капитал маблағларнинг ҳажми;
 - д) сизимнинг ишга тушиш ва ишлаш муддати;
 - е) шаҳарлараро сўзлашувнинг ўсиши;
 - ж) халқаро сўзлашувнинг ўсиши.
- Маълумки, телекоммуника-

шунингдек, маҳаллий сўзлашувлар учун вақтбай тўловни жорий этиш орқали қўшимча даромадлар олиш имконини беради.

Шаҳарлараро телефон алоқаси ҳисоб-китоблари шунини кўрсатдики, АПУС тўла жорий этилганидан сўнг соф фойда (харажатлар ва чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда) тушумнинг 10-15 фоизидан ортигини ташкил этиши мумкин.

Телефон тармоқларида маҳаллий телефон сўзлашувларини ҳисобга олишнинг вақтбай тизими жорий қилиниши қуйидаги муаммоларни ҳал қилиши мумкин:

– хизматлар учун тўловларнинг абонентларни телефондан фойдаланганлик ҳажмига мувофиқ равишда мутаносиблаштириш телефон алоқасидан фойдаланишда жавобгарликни кучайтиришга ёрдам беради ва станцияларнинг ишлашини мўътадиллаштиради;

– абонентларга хизмат кўрсатиш ва тармоқ иш сифатини яхшилаш учун иқтисодий шарт-шароитлар яратилади.

Шунинг таъкидлаш ўринлики, маҳаллий телефон сўзлашувларининг вақтбай тўлови – бу тармоқ иқтисодий ислохотларининг тарқибий қисми ҳисобланади. У фақат операторларнинг даромадларини оширишгагина эмас,

телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва бошқариш имкониятини яхшилайд.

Операторларга телекоммуникацияларнинг рақамли тармоғига ўтиш хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини қисқартириш йўли билан харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш майдонларининг анчагина қисмини бўшатиш ва улардан қўшимча даромадлар олиш имкониятини тугдиради. Шунингдек, телекоммуникациялар тармоғини рақамлаштириш янги хизмат турларини жорий этиш учун асос яратди (мультимедиа, электрон почта, IP-телефония ва ҳоказолар).

Хулоса қилиб айтганда, алоқанинг ривожланиши, сифатининг яхшилланиши ва янги қулайликларнинг пайдо бўлиши республика миллий даромадининг ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ўсишида ўз аксини топади. Бунинг ҳаммаси телекоммуникация хизматларидан халқ ҳўжалиги ва аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланишда вужудга келаётган ижтимоий-иқтисодий самараларнинг кўп қиррали кўринишларини ҳисобланади ва халқ ҳўжалиги самараси деб таърифланади.

Рихси ИСАЕВ,
Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори

Мустақиллик мевалари



Мустақиллик йилларида ташкил этилган «Камалак-ТВ» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг асосий биноси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

ЯНГИ ТАЖРИБАЛАР – ЯНГИЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР

«Алоқабанк» акциядорларининг яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишида 2000 йилдаги иш фаолияти кўриб чиқилди ва 2001 йилги режалар белгилаб олинди.

Энди акциядорларнинг асосий вазифаси мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини янада ошириш орқали банк акциядорлари даромадини кўпайтиришдан иборат. Бунинг учун эса мижозларга минибанк хизматини кўрсатиш лозим.

Банк бошқаруви 1997 йил октябр ойидан бошлаб «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» АЖ билан ҳамкорликда унинг Чилонзор ва Марказий филиаллари ходимларига иш ҳақини жамғарма ҳазиналари орқали беришни йўлга қўйган эди. Бу тажриба орқали ижобий натижаларга эришилди. Энг муҳими – пул маблағларини ташишдаги қўриқлаш муаммоси йўқ бўлиб, харажатлар қисқарди. Энди Тошкент шаҳридаги барча АТСларда ҳам банкнинг худди шундай

жамғарма ҳазиналари ташкил қилинса, айна мудоа бўларди. Ана шунда ходимлар жамғарма ҳазинасидан иш ҳақини ўз вақтида олишга улгурмаса, маоши ходимнинг шахсий жамғармасига ўтказиб қўйилади. Бу эса банкнинг кредит маблағлари кўпайтишига, яъни ташкилотларга кредит бериш имкониятларининг янада ортишига олиб келади. Худди шундай саманра берувчи ишларни «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва «Матбуот тарқатувчи» АКларида ҳам амалга ошириш мумкин.

Ушбу жамғарма ҳазиналари ходимларга нафақат иш ҳақи, балки акциядорлар учун дивидендлар ҳам бериши мумкин. Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бундай амалий тажрибаларни банкнинг барча вилоят бўлимларида ҳам оммалаштириш режалаштирилмоқда.

Зафар МАҲМУДОВ,
«Алоқабанк» пул муомаласи бошқармаси бошлиғи ўринбосари

СИФАТ КОМИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

«Андижон почтаси» акциядорлик жамиятида тажрибали мутахассислардан иборат «Сифат комиссияси»

ташкил этилди. Ушбу комиссия томонидан филиалларда аҳолига кўрсатилаётган почта хизмати сифати ҳамда аҳоли-

нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни нафақачиларга пенсия пулларини етказиб бериш юзасидан текширишлар ўтказилмоқда.

Ана шундай текширишлар Корхонанинг Хўжаобод ва Булокбоши филиалларида ўтказилди. Икки ҳафта давом

этган бу тадбирда бевосита аҳолининг уйларига бориб, кўрсатилаётган хизмат ҳақида сўхбатлар ўтказилди.

Почта жўнатмалари, пул маблағлари муҳофазаси ва уларнинг ўз эгаларига етказиб бериш масаласи комиссия аъзоларининг диққат

марказида бўлди.

Текширишларда аниқланган камчиликлар текшириш якунларига бағишланган йиғилишларда атрофлича муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

К. ҚАМБАРИДДИНОВ,
жамоатчи мухбиримиз

АХИЛ ЖАМОА

Бойсун туманида денгиз сатҳидан 4-4,5 минг метр балангликда жойлашган Дуоба, Кўрғонча, Мачай, Тўда каби тоғ қишлоқлари бор. Мана шундай туман марказидан анча узоқда жойлашган баҳаво масканларда ҳам радиоканналар ҳар доим ишлаб турибди. Узоқ тоғ қишлоқларидаги аҳоли кундалик аниқликлардан ўз вақтида хабардор бўлишмоқда. Айна пайтда улар телефон хизматидан ҳам мамнун. Натияжада кўнгул тинч, манзил ақин, энг муҳими – ортиқча ташвишларга ўрин йўқ.

Шубҳасиз, бу имкониятлар катта меҳнат эвазига яратилган. «Сурхондарё Телеком» шўба корхонасининг Бойсун филиали жамоаси ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис этиб, астойдил меҳнат қилишмоқда. Аҳил жамоани чорак асрдан буён Сафар Худойкулов бошқариб келмоқда.

– Ўтган йили Дуоба қишлоғига 21 километрик сим тортилиб, телефон йўли тикланди. Натияжада Бойсун – Дуоба ораллигида телефон хизмати кўрсатиши сифати яхшиланди,

– дейди С. Худойкулов. – Аҳолига телефон хизмати кўрсатиши яхшилаш билан боғлиқ бундай хайрли ишлар туманининг «Бойсун», «Кофрун» ширкат хўжаликларидан ҳам амалга оширилди. Мавжуд телефон станциялари замонавий тилдаги ускуналар ҳисобига қайта жиҳозланди. Ҳозир «Сайроб», «Файрат», «Дарбанд» хўжаликларига хизмат кўрсатаётган алоқа телефон линиялари жаҳон андозаларига мос равишда созланмоқда. Яқин вақт ичида бу ҳудудлардаги мижозлар дунёнинг исталган манзили билан боғланиш имкониятига эга бўлишди.

Жамоа ҳам оиладек гап. Сафар ака корхонанинг ҳар бир аъзоси тақдирга нафақат тажрибали раҳбар, балки оила бошлиғидай муносабатда бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарнинг бундай фазилати асқотиши мумкин.

«Ўзбектелеком» АК белгиланган меъёрга кўра ҳар бир ишчи хизматчи ҳисобига умумий телефон сони 65 тадан тўғри келиши шарт. Бойсунда эса бу кўрсаткич 57 тани ташкил этади. Қонун доирасида ишлаш

учун эса албатта шаҳар ёки қишлоқда телефон нуқталарини кўпайтириш билан бирга аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши ва штат қисқариши ҳисобига бўш қолган кадрларни «кўчада» қолдирмаслик тақозо қилинади. Сафар ака буни англаган ҳолда, тадбиркорлик билан иш тутди. Шундай қилиб, ишсизликнинг олди олинмоқда. Мисол учун дарбандлик монтер Абдусалом Каримовнинг уйи Термиз-Тошкент автомобиль йўли бўйида жойлашгани учун унга шаҳарлараро сўзлашув хонаси ташкил қилиб берилди. Бу билан нафақат жамоанинг бир фаол аъзоси сақлаб қолинди, балки ҳам оилага, ҳам филиалга даромад тушадиган бўлди. Дарбанд қишлоғида фаолият кўрсатаётган бу алоқа шохбчаси жамоага 24 минг сўм фойда келтирди. Энг муҳими – узоқ сафарга отланган йўловчилар учун қулайлик яратилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Сурхондарё вилояти


ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Навоий Телеком» акциядорлик жамияти ва касба уюшмаси жамоалари корхона кабелчи-пайвандловчиси **Искандар ГУМИРОВ**ни 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, мустақам соғлиқ, оилавий бахт тилаб қолади.

«Фаргона почтаси» акциядорлик жамияти Ровон филиали жамоаси корхона директори ўринбосари **Абдумажид АБДУРАҲМОНОВ**ни таваллуд топган кун билан чин қалбдан табриклайди. Унга узоқ умр, бахт-саодат ва ишларида муваффақият тилайди.

«Бухоро почтаси» акциядорлик жамияти Ромитан филиали жамоаси корхона бош бухгалтер **Шароф БОКИЕВ**ни туғилган кун билан самимий муборакбод этади. Унга барча эзгуликлар ёр бўлишини тилаб қолади.

«Анджон Телеком» АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари Олтинкул филиали электромонтери **Фарҳод ХУДОЙБЕРДИЕВ**ни 60 ёши билан, Балқич филиали телефончиси **Ҳалима-хон РАҲИМОВА**ни 50 ёши билан, Анджон шаҳар радиотармоғи электромонтери **Абдуфаттоҳ МУМИНОВ**ни 60 ёши билан қизгин табриклайдилар. Уларга мустақам соғлиқ, ишларида катта муваффақиятлар ва оилавий бахт ҳамisha ҳамроҳ бўлсин.



Наримон ака **КАРИМОВ** 40 йилдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. У республикамизнинг кўплаб шаҳар ва туманларини телефонлаштиришда, **ТОЕ** магистрalli лойиҳасининг яратилиши ва қурилишида фаол иштирок этди. Етук мутахассис – Наримон ака ҳозир **Давлат алоқа инспекциясида** хизмат қилмоқда.
Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти «Почта ва телекоммуникациялар соҳасида энг яхши рационализаторлик таклифи ва ихтирочилик» мавзусида республика танловини эълон қилади.

Почта ва телекоммуникациялар соҳасида рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ижодий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, энг яхши рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини аниқлаш мақсадида танлов ўтказилади.

Унда агентлик тизимидаги корхоналар, ташкилотлар ва акционерлик компаниялари ҳамда почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритувчи бошқа хўжалик субъектлари қатнашишлари мумкин.

Танлов ташкилотчилари **Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги** ва **Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти**.

Танлов 15 майдан 15 ноябргача давом этади. Ҳужжатлар 1 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1 уй. Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти.**

Ҳужжатларни пул муқофотлари ва қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Бугунги кунда телефон алоқаси ҳар биримизнинг узоғимизни яқин, мушкулларимизни осон қилмоқда. Лекин айрим ҳолларда хонадонлар ва корхоналарга телефон ўрнатиш имконияти бўлмади. Бундай пайтларда таксофонлар мушкулни осон қилиши мумкин.

Сирдарё вилоятида Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан ҳамкорликда бунёд

Сўзлашув пунктлари сони бугунги кунга келиб Гулистон шаҳрининг ўзида саксон олтитага етди. Эллик олти та шаҳарлараро ва ўттизта маҳаллий сўзлашув пунктлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Сўзлашув пунктлари бўйича нақд пул тушуми 2001 йилнинг биринчи чорагида 1 миллион 730 минг сўмни ташкил қилган бўлса, апрел ойининг

СЎЗЛАШУВ ПУНКТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

этилган электрон рақамли телефон станцияларига таксофон ўрнатишнинг имкони йўқ. Шунинг учун «Сирдарё Телеком» АЖ томонидан шохбечаларда, бозорларда ва аҳоли гавжум жойларда операторлар билан ишлайдиган маҳаллий ва шаҳарлараро сўзлашув пунктлари ташкил этилди.

Назорат органлари мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2000 йил текширувлари режасига асосан вилоят давлат алоқа инспекцияси томонидан «Сирдарё Телеком» АЖда текшириш ўтказилган эди. Вилоят ДАИ ходимлари аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар беришганди. Шу кўрсатма асосида сўзлашув пунктлари фаолиятини яхшилаш, улар сонини ошириш ва нақд пул тушумини таъминлашни йўлга қўйиш вазифаси муҳандис **О. Йўлхашиева**га юклатилди. Шундан кейин ишлар бирмунча жонланди.

ўзида бу кўрсаткич 1 миллион 47 минг сўмга етди. Бундай натижага эришишда операторлар Фулом Мамажонов, Саидамкул Эгамов, Эркин Эргашевларнинг ўзига хос ўрни бор. Келишилган шартномага асосан топширилган нақд пулнинг йигирма фоизи ҳар бир операторга ойлик маош сифатида қайтариб берилади.

Биз муҳандис **Ортик ака Йўлхашиев**дан бу борадаги янги режалар ҳақида сўраганимизда, у шундай жавоб қилди: «Сўзлашув пунктлари сонини янада оширишни, уларни вилоятимиз ҳудудидан ўтган катта автомобил тракти бўйларида, аҳоли гавжум жойларда ва почта алоқаси бўлимларида ўрнатишни ният қилиб қўйганимиз».

Элга хизмат қилишдек олий мақсад йўлидаги хайрли ишларга омад тилаймиз.

Абдуғофур ҲОТАМОВ,
жамоатчи мухбиримиз

ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИДА ЎҚИШНИ HOҚЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2001/2002 ўқув йилига қабул эълон қилиниши муносабати билан шу йилнинг 19 май кунини соат 10.00 дан 18.00 гача коллежда «Очиг эшиклар» кунини бўлиб ўтади.

Шу кунини абитуриентлар коллеж ҳақидаги маълумотлар – ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитлари билан таништирилади.

«Очиг эшиклар» кунига марҳамат!

Манзил: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 70 уй.
Маълумот учун телефонлар: 41-12-48, 41-19-80.

Тошкент алоқа коллежида жорий йилнинг 21 май куниндан бошлаб тайёрлов курслари ўз фаолиятини бошлайди.

Курсларга 9 ва 11-синф маълумотларига эга бўлган тингловчилар қабул қилинади. Машгулотлар математика, она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 70 уй.
Маълумот учун телефонлар: 41-12-48, 41-19-80.

МАРКАЛИ ОЙНАХАТЛАР

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти томонидан «BAXTLI BO'LING!», «TABRIKLAYMIZ!», «QUTLUG' YOSHINGIZ BILAN!», «TUG'ILGAN KUNINGIZ MUBORAK BO'LSIN!», «BAYRAMINGIZ BILAN!», «TO'Q QIZIL CHINNIGUL», «OCH SARIQ ATIRGUL», «VIOLLA» деб номланган тўрт хил рангдаги маркали почта ойнахатлари муомалага чиқарилди. Маркалар яшил рангда, баҳоси ўн беш сўм бўлиб, 12300 нусхада чоп этилди.



ДУШАНБА, 21

«Узбекистон» телеканал

Телеомашинлар диктатига! Профиллактика мусобаоти билан...

«Ешлар» телеканал

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр тонги»...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Чоршанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Сейшанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

Ватан тиллоллари. «Ешлар» телеканал 8.55 Курсувлар дастури...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Чоршанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Сейшанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

калар. 15.30 Сенинг вақтинг. 15.50 Спорт-қизқаси...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Чоршанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Сейшанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

18.05 Мультфильм. 18.15 «Огоҳ»...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Чоршанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Сейшанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

Кундузги сеанс: «Кутилмаган мейхон»...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Чоршанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Сейшанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Узбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Узбекистон!»...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Чоршанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Сейшанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Узбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Чоршанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Сейшанба» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

«Тошкент» телеканал

18.00 Курсувлар тартиби. 18.05 «ТВ плас»...

«Узбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

Жалолхон ТЎРАХОНОВ Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, Ўзбекистон радиосида суҳандонлик қилган. Сўнграқ Аббос Бакиров, Карим Хонкелдиев, Ойсар Иброҳимов, Қамара Бурнашева каби етук санъаткорлар билан Андижон театрида ишлаган. Раҳматлидан ёдгорлик бўлиб бир ўғил, бир киз қолган. Аёллари 87 баҳорни қаршилаётган бўлсаларда, ҳали тетик.

Андижон адабий муҳитининг беминнат давомчиларидан бири эканлиги Ж. Тўрахоновнинг шеърларидан кўриниб турибди.

ИЛ ВА БУЛБУЛ

Чаманзор ичра гул баргини ёзмасдин ҳазон бўлмас,
Ғунча жамолин кўрмайки, булбул меҳрибон бўлмас,
Кўниб гул шохига сайраса ҳам гул бе тикон бўлмас,
Маст бўлмай гул ҳидидан булбул гирён бўлмас.

Вафо қилгайми сен бечорага тинмай наво қилсанг?
Узоқ тунларда киприк юммайин субҳла садо қилсанг
Азиз бошингни гул ишқиди куйдириб адо қилсанг
Умидинг бўлса шундоқ васлига етмоқ гумон бўлмас.

Агар тўтию товус, кумри, каклик бўлса гулшанда,
Неча зоғу-зағон ҳам барча қушлар бўлса меҳмонда
Қизил гулни улар севмас ҳамиша ақли хирмонда,
Мудом гул деб, кўзин ёшин оқиб харён равон бўлмас.

Адил сайёдидаурки, парвариш қилса хунар банди,
Босолмас булбулнинг ўрнини гар сайраса харчанди
Санам ишқий ўзинга баъзиларни қилма монанди,
Ҳама ҳар хил хаёл ўйлар сени жонинга жон бўлмас.

КЕЛМАДИ

Оҳ тортмай найлаин гул юзли жонон келмаса,
Хуснига оро бериб, зулфи паришон келмаса.

Жилва бирлан бир кўринди то бу дам комидаман,
Кўзларим бўлмасми гирён кўзи чўлпон келмаса.

Куйдирар ағралар куйган бу жонимни яна,
Пардани юздан очиб, рухсори тобон келмаса.

Рашк этарманким, рақиблар сўзига алданмасин,
Ваъда берган соатига аҳди ёлгон келмаса.

Ўзгага кўз ташламасман шойи, кимҳоб кийса ҳам,
Севганим суҳбат аро ёрқин фаровон келмаса.

Қатма-қат бўлди юракда кимга дерман дардимни,
Ҳарқима айтиб бўлурму сири пинҳон бўлмаса.

Шод бўлмади кўнгул гулшан аро сайр айласам,
Хид сочиб анбар сифат хушбўй ва хубон келмаса.

Тақмас эрди ишқий ёрин кўксига дурдоналар,
Шеърини таъсирига васли намоён келмаса.

Жалолхон ТЎРАХОНОВ

ДОНОЛАР ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА

Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир.

ГИППОКРАТ

Врачлик – жасорат, бу касб фидойиликни, қалб ва фикр софлигини талаб қилади.

А. П. ЧЕХОВ

Қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди.

СУКРОТ

Шифокорнинг очик чеҳраси беморнинг соғая бошлаши демақдир.


Ф. РОҲАС

Психотерапиясиз этик ямаш ёки ўсимликларни пайванд қилиш мумкин, аммо инсон вужудидай таъсирчан нарсани даволаб бўлмайди.

Э. ЦИГЕН

Яхши табиб маълум дардларнинг давосини билади-ган, агар ўзига номаълум касаллик бўлса, беморга ёрдами тегадиганларни қақирадиган кишидир.

Ж. ЛАБРИЙЕР



Табиат нақадар гўзал.

● Ажаб дунё

ЭГИЗАК МИТТИЛАР

Матиус ва Бела Матуналар (1903 йили Будапештда туғилишган) энг паст бўйли эгизаклар сифатида қайд этилишди. Ҳар бирининг бўйи 1933 йилда 76 сантиметрдан бўлган.

Бугунги кунда ҳаёт бўлган энг паст бўйли эгизаклар эса АКШнинг Флорида штатидаги Уэст Палм Бис шаҳрида яшовчи Жон ва Грег Рейслардир. 1951 йил, 3 декабрда туғилган бу эгизакларнинг бўйи 86,3 сантиметрга тенг.

ЭНГ УЗОҚ ЯШАГАН

Бир асрга тенг маррани забт этган фақат икки нафар митти маълум. Нью Жерси штатидаги Нютон шаҳрида дунёга келган Сюзанна Бокони 1984 йили, 24 августда 105 ёшида вафот этган. Унинг бўйи бу пайтда 101 сантиметр, вазни эса 16,78 кило эди. Узоқ умр кўрган яна бир митти Мэтлока шаҳри (Буюк Британия)лик Анн Клоувз бўлиб, у 1784 йили 103 ёшида оламдан ўтган. Унинг бўйи 114 сантиметр, вазни эса 21,7 килони ташкил этган.

МУҲАББАТ БЎЙ ТАНЛАМАЙДИ!

Буюк Британиянинг Кингстон Гулл шаҳрилик Найжел Уилкс (1963 йил туғилган) 1984 йил, 30 июн кuni Беверли Рассел исмли (1963 йил таваллуд топган) аёлини ўз никоҳига олди. Мазкур никоҳ шу жиҳатдан эътиборга моликки, кўвнинг бўйи бу пайтда 200,6 сантиметр, келинники эса 119,3 сантиметр эди. Орадан бир ярим йил ўтгач, 1986 йилнинг 22 мартда Беверли Найжелга кўчқордек ўғил туғиб берди. 4,22 килоли бу азаматни шифокорлар жарроҳлик йўли билан она қорнидан чиқариб олишди.

«Алоқинвест» АЖ жамоаси «ЎЗАЛИ» алоқа лойиҳалаш институти бошлиғи С. Абдуллаевага онаси **МУНАВВАР** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«UZPAK» маълумот узатиш тармоғи давлат корхонаси жамоаси корхонанинг Наманган бўлими бош мутахассиси **Фларид УМАРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Андижон Телеком» АЖ ва вилоят алоқа ходимлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида **Озод Жўраев**нинг филиали директори

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2439.
7070 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.
Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси компьютерида терилди ва чоп этилди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 19.00

1 2 3 4 5 6